

Оврупаликларнинг аксар кисми халол махсулотларни кўпрок афзал билаётганлари уларда янги шаклланаётган таомланишдаги мойилликларини кўрсатиб бермоқда. Халол-стандарт кўмитаси Россияда ўтказган мониторинг хулосасига кўра, хар йили халол махсулот ишлаб чиқариш кўлами 30-40 фоизга ошиб бормоқда. Нега бу махсулотга талаб катта ва нега бу махсулотлар кун сайин оммабоп бўлиб бормоқда?

Мутахассисларнинг айтишича, бунга бир нечта сабаб бор экан.

Кискача изох. Халол сўзи – чуқур маънога эга бўлса ҳам у аллақачон мусулмон одам тановул киладиган нарса, деган сўзнинг синонимига айланиб улгурди. Мусулмон одам ўз таомига доим диққат қилиб келади. Чунки, мусулмон одам иймон келтирган ва унга амал қилаётган муқаддас китобида Парвардигори Олам тарафидан шундай талаблар кўйилгандир.

Айни вақтда, дунёда халол махсулотларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда, чунки бу истеъмол бозори жуда жозибали ва истикболга эга эканлиги ўз исботини топди.

Мусулмонлар учун “халол” тамгаси – бу шариат талабига кўра тайёрланган махсулотлар бўлиб, мусулмонларга харом қилинган нарсалар (масалан, чўчка, ўлимтак, кон) йўқлигини билдирувчи ва халол, покиза озик-овкатлардан тайёрланганлигини билдирувчи белгидир.

Сўнги вақтларда “халол” бозорининг бир катор йўналишлари ривожланиб бормоқда: озик-овкатлар, хизматлар, дори ишлаб чиқариш ва пардоз-андоз бозорлари ва хоказо. Баъзи атокли (бренд) ишлаб чиқарувчилар “халол” савдо белгиси билан махсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдалар. Буни асосан жахон микёсидаги атокли, номи чиққан компаниялар амалга оширишмоқда.

Россияда икки юзга яқин корхоналар халол махсулотларни ишлаб чиқаради, уларнинг сони кун сайин ошиб бормоқда. Энг қизик томони, Россиянинг мусулмонлар кам яшайдиган минтакаларида ҳам кичик корхоналар билан бир каторда йирик ишлаб чиқарувчилар ҳам халол махсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Буни фақат, мамлакатнинг барча минтакаларида мазкур махсулотларнинг бозори чакконлиги билан изохлаш мумкин. Халол махсулотларни ажратиб турувчи асосий нарса бу унинг сифатидир. Оврупа буни аллақачон тушуниб етди. Бу ерда оврупаликлар махсулотларни ишлаб чиқарилиш жараёнидаги хар бир босқичидаги кучли назорат ҳамда янги стандарт ва кўшимча сифат белгисини кўрдилар. Шунинг учун ҳам улар савдо расталарида “Халол” тамгаси бор махсулотларни излашмоқда.

Россияда истеъмолчиларни алдаш доим учраб турадиган ҳолатга айланган. Давлат сертификатига эга бўлиш мажбурияти бекор қилинган бозорда сотилаётган махсулотларнинг сифати жуда пасайиб кетди ва одамлар нималар билан озикланаётганига, яъни уларнинг сифатига эътибор қила бошлашди. Таомдаги асоси омил – бу унинг сифати бўлгани учун ҳам халол махсулотларни бошқа дин вакиллари ҳам афзал билишади. Инсон нима билан овқатланаётганига бефарқ бўлмаслиги керак-да, чунки бу унинг саломатлигига бевосита таъсир қилади.

Халол махсулотларнинг сифат устунлигидан ташқари яна бир катор маънавий устунликлари ҳам бор. Хаётимизда кўп нарсалар таомимизга боғлиқ эканлигини кўпчилик ўйлаб кўрмайдилар. Мисол учун кўпчилигимиз Аллохга илтижо қиламиз ва

бирон бир мушкулот бўлганида дуоларимиз ижобат бўлишини хохлаймиз. Аммо дуоларимизнинг кабул бўлишининг асосий шarti, халол лукма эканлигини кўпчилигимиз билишимиз шарт. Халол лукмада гап кўп...

Интернет материаллари асосида Абу Муслим тайёрлади